# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 4 сентябрь, № 173 (5593) Сешанба


# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

*Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар ҳамон келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изҳор этилган.*

*Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўллашган:*

Ҳиндистон Республикаси Президенти **Пранаб Мукержи;**

Канада Генерал-губернатори **Дэвид Жонстон;**

Қозоғистон Республикаси Президенти **Нурсултон Назарбоев;**

Грузия Президенти **Михаил Саакашвили;**

Италия Республикаси Президенти **Жоржо Наполитано;**

Польша Республикаси Президенти **Бронислав Коморовски;**

Венгрия Президенти **Янош Адер;**

Чехия Республикаси Президенти **Вацлав Клаус;**

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳи **Абдуллоҳ II;**

Ўмон Султони **Қобус бин Саид;**

Қатар Давлати Амири **Шайх Ҳамад бин Халифа Ол Соний;**

Қатар Давлати Бош вазири, Ташқи ишлар вазири **Шайх Ҳамад бин Жосим бин Жобир Ол Соний;**

Индонезия Республикаси Президенти **Сусило Бамбанг Юдхойоно;**

Бангладеш Халқ Республикаси Президенти **Зиллур Раҳмон;**

Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси Президенти **Махинда Ражапакса;**

Мьянма Иттифоқи Республикаси Президенти **Тейн Сейн;**

"Лукойл" компанияси Президенти **Вагит Алекперов.**

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*



***Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимида амалга оширилаётган эзгу ислоҳотлар, соҳа ривожига қаратилаётган юксак эътибор ёшларимизнинг ҳар томонлама етук салоҳият соҳиби бўлиб етишишлари учун улкан имкониятлар эшигини очмоқда.***

## Истиқлолнинг бахтиёр фарзандлари

**Кеча юртимиздаги барча таълим масканларида "Мустақиллик дарси" билан янги ўқув йили бошланди.**

### Таълим

Яқинда Франциянинг энг нуфузли халқаро бизнес мактаби — "Insead" ҳамда Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан "2012 йилдаги инновацияларнинг глобал индекси" маърузасига асосланиб тайёрланган қиёсий ахборотда юртимиз таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича жаҳонда иккинчи ўринни эгаллаганлиги қайд этилди. Бу, ўз навбатида, келажак сари дадил интилаётган навқирон авлоднинг замонавий асосда пухта билим олиши, истеъдод ва иқтидорини намоён этишига қаратилган амалий чора-тадбирларнинг ёрқин натижаси эканлигининг жаҳон миқёсидаги яна бир юксак тасдиғидир.

(Давоми 4-бетда).



## Қутлуғ айём, шоду хуррамлик, шукроналик

*Юрт тараққиёти, мамлакатдаги ўзгаришу янгиланишларга баҳо берилар экан, энг аввало, шу заминда яшовчи халқнинг турмуш фаровонлиги, хонадонлардаги қут-барака, тинчлик-осойишталик муҳити алоҳида ҳисобга олинади.*

### Сурур

Зеро, инсон манфаатлари устувор бўлган жойдагина ривожланиш, юксалиш бўлади. Шу маънода, истиқлол йилларида Ўзбекистонимизда "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, инсон учун" деган устувор тамойил асосида асрларга татигулик ишлар амалга оширилаётгани юртдошларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай ҳаёт кечиришларини таъминлашга хизмат қилаётир. Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкидланганидек,

(Давоми 2-бетда).

## Оилавий бизнес – тараққиёт пойдевори

*Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислоҳотлар қай даражада самара бераётганига бугунги кунда иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларида эришилган ютуқлардан келиб чиқиб истаганча мисоллар келтириш мумкин.*

*Жумладан, тадбиркорлик фаолиятига ҳар томонлама эркинлик берилиши ҳамда қисқа муддатда ҳуқуқий-меъёрий асосларининг такомиллаштирилиши халқимиз бунёдкорлик салоҳиятини янада жонлантириб юборди.*

### Ишбилармонлик муҳити

Бунда, айниқса, ривожланган мамлакатларнинг кўп йиллик тажрибаси пухта ўрганилиб, миллий анъаналаримизга мос меҳнат турларига катта эътибор қаратилаётгани муҳим аҳамият касб этди. Айтайлик, ҳозирги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтиришнинг муҳим йўналишларидан бири — оилавий бизнес замирида азалдан халқимизга хос бўлган хислат — ишбилармонликни ривожлантириш муддаоси мужассам.

Қолаверса, оилавий тадбиркорлик орқали яқин қариндошларнинг иқтисодий фаолиятнинг бирор бир тури билан шуғулланишига шароит яратилади ва бундай ҳунар турларини ёшларга ўргатиш имконияти кенгаяди. Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади.

Жорий йилнинг 26 апрелида қабул қилинган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида эса "Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир", деб белгилаб қўйилган.

Оилавий бизнес муваффақиятининг асоси, бу — унинг муштарак манфаатларни рўёбга чиқаришнинг энг қулай ва самарали шакли эканлигидадир. Зеро, оила — қариндошлик алоқаларига таянувчи энг кичик ижтимоий гуруҳ бўлиб, унинг аъзолари ўртасидаги ўзига хос муносабатлар иқтисодий манфаатларнинг уйғунлигини таъминлайди. Айни бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритишнинг пировард мақсади эса даромад олиш ҳисобланади.

Шунингдек, оила аъзоларининг биргаликдаги ёки уларнинг бирига тегишли бўлган мулкдан фойдаланиш бизнес учун зарур бўлган дастлабки сармояни қисқа муддатда шакллантириш имконини берса, меҳнат жараёнида фаол иштирок этиш, турли хўжалик маблағларидан фойдаланиш, фойдани тақсимлаш каби ҳолатлардаги ўзаро ишонч ва тушуниш мазкур бизнеснинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ: МОЛИЯ-ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

*2012 йилнинг 31 август — 2 сентябрь кунлари Корея Республикасининг стратегия ва молия вазири Бак Же Ван бошчилигидаги делегация расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Ушбу мамлакат ҳукуматининг етакчи аъзоларидан бирининг мазкур ташрифи Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Жанубий Кореяга яқинда амалга ошириладиган давлат ташрифига тайёргарлик кўриш нуқтаи назаридан икки давлат ўртасидаги молиявий-иқтисодий ҳамда инвестицион ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама этишга бағишланди.*

Корея Республикаси стратегия ва молия вазири Тошкентдаги учрашувлар чоғида мамлакатларимиз ўртасида эришилган икки томонлама ҳамкорлик кўламини юқори баҳолади. У Ўзбекистондаги мустаҳкам макроиқтисодий барқарорлик, пухта ўйланган таркибий ислоҳотлар сиёсати, мамлакатимизда изчил ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларининг йилига 8 фоиздан ошаётгани, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан таълим тизимини ислоҳ этиш, халқаро бозорларда рақобатбардош, юқори малакали кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани Корея Республикасининг мамлакатимиз билан кенг кўламли ва ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлигининг асосий омиллари эканини алоҳида таъкидлади.

Корея Республикаси компанияларининг Ўзбекистонга киритган инвестициялари умумий ҳажми 5 миллиард АҚШ долларидан ошди, 2012 йилнинг биринчи ярмида икки томонлама савдо айланмаси 47 фоизга кўпайди, мамлакатимизда Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган 400 дан зиёд компания муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Узоқ муддатли икки томонлама молиявий-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликнинг кенг кўламли масалаларини муҳокама этиш ҳамда улар юзасидан фикр алмашиш якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Корея Республикаси Стратегия ва молия вазирлиги ўртасида Ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Меморандумда Корея Республикасининг Иқтисодий ривожланиш жамғармаси (EDCF) билан 2012 — 2015 йилларда умумий қиймати 595 миллион доллар миқдорида имтиёзли ва узоқ муддатли кредитлар тақдим этиш ҳисобидан амалга оширилиши мўлжалланган ҳамкорлик дастурининг асосий параметрлари акс этган.

Жумладан, кўп тармоқли болалар тиббиёт марказини ташкил қилиш, уни юқори технологияли ташхис қўйиш, даволаш ва бошқа махсус асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш лойиҳаси, шунингдек, ўқув, илмий, илмий-оммабоп ва бадиий манбалар, авваламбор, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона ресурсларини электрон форматга ўтказишни кўзда тутувчи миллий умумтаълим электрон кутубхонани ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш хусусида келишиб олинди.

(Давоми 2-бетда).

## Садоқат ва фидойилик намунаси

*Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни мамлакатимиздаги барча олий ҳарбий таълим муассасаларида биринчи курсга қабул қилинган курсантларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросимлари бўлиб ўтди.*

### Мардлар қўриқлайди Ватанни

Ўз келажагини энг шарафли касб билан боғлашни ният қилган жасур ва мард ўғлонларнинг Ватанга садоқат туйғусини ифода этувчи ушбу маросим ҳар йили 1 сентябрь санасида ўтказилиши чуқур рамзий маънога эга. Зеро, истиқлол барчамизнинг ҳаётимизга мазмун олиб келди, орзу-умидларимиз рўёбини кўриш, ҳеч кимдан кам бўлмай яшаш бахтини берди. Мана шу улуғ неъматнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Она-юртига меҳр-муҳаббатли, садоқатли кишилар борки, ушбу масъулиятни доимо ҳис қилиб яшайдилар. Айниқса, бугун профессионал асосдаги миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган ўғлонларнинг ҳар бири фидойиликда тенгсиз саналишади. Шу боис ҳам улар зиммаларига юклатилган шарафли вазифани сидқидилдан адо этишга, халқимизга, Президентимизга содиқ бўлишга, мусаффо осмонимизни, сарҳадларимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга қасамёд қиладилар.

Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети биринчи курс курсантларининг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими пойтахтимиздаги "Ватанга қасамёд" ҳайкали пойида бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар, ота-оналар иштирок этди.

(Давоми 3-бетда).

### Дил сўзи

*Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзлари юрагимнинг тўридан жой олди.*

## Бизнинг таянчимиз, суянчимиз, умидимиз

Шундай жаннатмонанд юртда яшаётганимдан ғурурландим. Кўнглимда шукроналик ҳиссини туйдим. Юртбошимизнинг, айниқса, ёшларга қарата "Ўз куч-ғайратингиз, билим ва қобилиятингизга, буюк Ватанимиз қудратига суяниб, маррани баланд олинг, азиз болаларим!" деган сўзлари мени беҳад тўлқинлантириб юборди. Бу даъваткор сўзлар ўқитувчи-мураббий сифатида биз, устозлар зиммасида катта масъулият юкланганини ҳар лаҳза эслатиб туради.

Ўқитувчилик фаолиятимга салкам йигирма йил бўлди. Бошланғич синф муаллимасиман. Мен алифбони ўргатган болалар бугун вояга етиб, мамлакатимизнинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олишаяпти, касб-ҳунар эгаллаб, мустақил ҳаётга қадам қўйишмоқда. Шогирдларим камолини кўриб суюнаман. Улар қиёфасида юртимизнинг нурли эртасини кўргандек бўламан. Устоз учун бундан кўра катта бахт бўлмаса керак.

Баъзида бундан йигирма беш-ўттиз йил аввалги мактаблар билан ҳозиргиларини қиёслайман. Ўзгаришлар катта. Шарт-шароитлар ҳавас қилса арзигулик. Тор, пасқам, томидан чакка ўтадиган, қишда зах ва совуқ, полсиз синф хоналарида ўқиганимизни эсласам, қани эди, бугунги кун ёшлари сафида бўлсам, дея юрагим ҳаприқади. Негаки, улар, авваламбор, озод ва обод Ватан фарзандлари. Уларнинг ўқишлари, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, касб-ҳунар эгаллашлари, ўз иқтидорларини юзага чиқаришлари учун барча қулайликлар муҳайё этилган.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ:

# МОЛИЯ-ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундан ташқари, ҳамкорлик лойиҳалари Миллий телерадиокомпанияни рақамли асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг замонавий моддий-техник базасини ривожлантириш, энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишни ўз ичига олган.

Корея Республикаси стратегия ва молия вазири Ўзбекистон Республикаси Жанубий Корея ҳукумати томонидан билим ҳамда тажриба алмашиш дастурларини биргаликда амалга ошириш бўйича ҳамкор давлат сифатида белгиланган кам сонли мамлакатлардан бири эканини таъкидлади.

Шу муносабат билан техник кўмаклашиш бўйича қўшма лойиҳалар дастурига давлат электрон бюджети ва Ғазначиликни ривожлантириш тизимини босқичма-босқич жорий этиш, давлат мулкини бошқариш самарадорлигини юксалтириш, давлат харидларини амалга ошириш, солиқ ҳамда божхона органлари фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланишни янада кенгайтиришга доир лойиҳалар киритилган.

Шу билан бирга, томонлар Осиёда валюта ва молия барқарорлигини таъминлаш мақсадида Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки каби халқаро молия институтлари, шунингдек, кўп томонлама ташаббуслар доирасида ўзаро яқин ҳамкорлик қилиш муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этдилар.

Бак Же Ван Корея Республикаси раҳбарияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу мамлакатга амалга ошириладиган давлат ташрифини сабрсизлик ва катта қизиқиш билан кутаётганини, бу ташриф икки томонлама ҳамкорликнинг барча соҳаларида эришилган натижаларни ҳар томонлама муҳокама қилиш ва баҳолаш, мамлакатларимиз ўртасидаги узоқ муддатли стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришнинг аниқ йўналишлари ва истиқболларини белгилаб олиш имконини беришини таъкидлади. Мазкур ташриф икки давлат ўртасидаги анъанавий яқин иқтисодий ва амалий алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда Осиёнинг барқарор ривожланиб бораётган икки иқтисодиёти ўртасида қарор топган молиявий ва инвестицион ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Томонлар музокаралар якуни бўйича Корея Республикаси билан Ўзбекистон Республикасининг молия-иқтисодий ҳамда инвестицион ҳамкорлигини янада кенгайтириш мақсадида икки давлат молия вазирликлари ўртасида бундай учрашувларни мунтазам ўтказиш ҳақида келишувга эришдилар.

**(ЎзА).**

# Бизнинг таянчимиз, суянчимиз, умидимиз

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жорий йилда вилоятимиздаги 11 та мактабни капитал реконструкция қилиш учун давлатимиз томонидан қарийб уч миллиард сўм сарфланибди. 13 та мактабда қўшимча ўқув бинолари, бешта спорт зали барпо этилибди. Энг чекка жойлардаги мактаблар ҳам бугунги кунда замонавий, кўркам биноларда фаолият кўрсатаяпти. Бунга Олот туманидаги "Бунёд" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган мактабимиз мисол бўла олади. Салкам 800 нафар ўғил-қиз ўқиётган билим масканимиз биноси таъмирланган, синф хоналари кенг ва ёруғ, барча турдаги замонавий ўқув жиҳозлари мавжуд. Назарий ва амалий машғулотлар олиб бориш учун зарур қулайликлар яратилган. Бундай шарт-шароитда билимга чанқоқ, интилувчан ўқувчилар билан роҳатланиб ишлайсан, киши. Қолаверса, бу юртда сидқидилдан меҳнат қилган киши борки, албатта, қадр ва эъзоз топади. Шу маънода, Истиқлолимизнинг 21 йиллик байрами арафасида Президентимиз Фармонига кўра, "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" деган унвонга лойиқ кўрилганим, мамлакатимиздаги барча заҳматкаш ўқитувчи ва мураббийларга қаратилган юксак ҳурмат ифодаси сифатида мен учун ниҳоятда азиз. Бу унвон янада масъулиятли бўлишга, ўз устимда янада кўпроқ ишлашга ундайди.

Тинч ва фаровон юртда яшамоқлик бахт. Бу ҳақда билимлар кунидаги дастлабки сабоқ — Мустақиллик дарсида ўз ўқувчиларимга сўзлаб бердим. Президентимизнинг табрик сўзлари мавзуни ёритишда дастуриламал вазифасини ўтади. Ўз ўрнида ўғил-қизларимиз ҳам жўшиб, ёниб, меҳр билан истиқлол ва Ватан хусусида дил сўзларини изҳор этдилар, шеърлар ўқидилар. Зеро, улар Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бизнинг таянчимиз, суянчимиз ва умидимиздир.

**Гулойим ЖАЛЛИЕВА,**
**Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси.**
Бухоро вилояти.

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, ҳуқуқшунослар, олим ва экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.*

# Ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш

**фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга**

Эътироф этиш керакки, бугун юртимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик институтлари мавқеини янада оширишга зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу эса уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ҳаётга татбиқ этиш, бунда давлат органлари билан тенг ҳуқуқли ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, аҳоли кенг қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда фаол иштирокини таъминламоқда. Зотан, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар ижросида айнан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ўрни ҳамда таъсири муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу хусусда сўз борган тадбирда Жамоат фонди томонидан жорий йилнинг 15 июнидан 15 июлига қадар ўтказилган ННТ ва фуқаролик жамияти институтларининг "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини бажаришда фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш ҳамда ёшларнинг илмий-техник, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш йўналишидаги грант танловлари натижалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, белгиланган муддатда эълон қилинган иккита танловга 190 дан ортиқ ННТдан 217 та ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳа келиб тушган. Хусусан, ННТнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган муҳим давлат ва ҳудудий дастурларни амалга ошириш, ёш оилаларни, ёшлар ва аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, республикамизнинг узоқ қишлоқ ҳудудларида оилавий бизнес, касаначиликка, хусусий тадбиркорликнинг бошқа турларига кенг жалб қилишдаги иштироки йўналишида 107 та фуқаролик жамияти институтлари 120 та лойиҳа билан қатнашди. Улардан 25 та лойиҳа ғолиб деб топилиб, 339,3 млн. сўм миқдорида молиялаштириладиган бўлди.

Ўз навбатида, ёшларнинг илмий-техник, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш йўналишига 83 та ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан 97 та лойиҳа тақдим этилди. Шулар орасидан саралаб олинган 30 дан ортиқ лойиҳага 450 млн. сўм миқдорида маблағ йўналтирилади.

Йиғилишда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамиятини янада юксалтириш, фуқаролик институтлари мавқеини ошириш, ҳудудлардаги ижтимоий, гуманитар ва иқтисодий вазифаларни ҳал этишда ННТнинг маҳаллий давлат бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклигини янада кенгайтириш масалалари хусусида тўхталиб ўтилди. Шунингдек, ижтимоий лойиҳаларнинг амалга оширилиши жараёнида сарф қилинган маблағларнинг шаффофлиги, очиқлигини таъминлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш юзасидан мониторинг ўтказиш масалалари ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Парламент комиссияси йиғилиш якунида атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда аҳоли соғлиғини сақлаш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш йўналишидаги навбатдаги грант танловига ННТ, кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш ва бошқа масалалар бўйича ҳам тегишли қарорлар қабул қилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Оилавий бизнес — тараққиёт пойдевори

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундан ташқари, оилавий бизнес ёш мутахассисларни ишбилармонликка тайёрловчи муҳим восита ҳамдир. Яъни бундай муҳитда улғайган бола бизнес сирларини пухта ўзлаштиради. Бошқача айтганда, уларда ёшликдан тадбиркорликка кўникма шаклланади. Демак, оилавий бизнес нафақат самарадор меҳнат, балки ижтимоий аҳамиятга эгалиги билан ҳам тадбиркорликнинг бошқа турларига нисбатан алоҳида ажралиб туради. Ҳозир мамлакатимизда оилавий бизнесни, айниқса, оилавий корхоналарни кенг ривожлантиришга устувор вазифа сифатида қаралаётганининг боиси ҳам шунда аслида.

Албатта, ҳар қандай меҳнат тури қулай шарт-шароит яратилган жойда равнақ топади. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, шу жумладан, оилавий бизнесни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами кенг. Бу борада фикр юритганда, аввало, истиқлол йилларида оилаларнинг молиявий имкониятлари тобора ортиб бораётганини таъкидлаш лозим. Кейинги йигирма йил ичида республикамиз аҳолисининг ялпи даромадлари ҳажми 8,6 марта ўсганлиги, аҳоли жамғармаларининг 1995 йилдагига нисбатан ўсиши 28,6 мартани ташкил этганлиги, тижорат банкларида аҳоли омонатлари қолдиғи охирги 4 йил давомида 3,6 марта кўпайганлиги бунинг исботидир. Шунга мос равишда оилаларнинг турмуш шароити ҳам яхшиланиб бораётир. Буни ўтган йиллар давомида аҳолининг ичимлик суви таъминоти 1,3 баробар, табиий газ таъминоти 1,9 баробар, марказий иситиш ва оқова сув тизимидан фойдаланиш имконияти 1,4 ҳамда 1,5 баробар ошганлигида кўриш мумкин.

Энг муҳими, бугунги кунда республикамизда оилавий бизнесни ривожлантиришга хизмат қилувчи кўпгина мамлакатларда учрамайдиган моддий шарт-шароитлар мавжуд. Гап шундаки, айни пайтда мамлакатимиздаги 98 фоиз оила ўзининг хусусий мулкида шахсий тураржойларига, 96,7 фоиз оила эса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ёки кичик тадбиркорлик фаолиятини юритиш мумкин бўлган, мерос қилиб қолдириладиган томорқа ерларига эга.

Бироқ шундай қулай шарт-шароитларга қарамай, оилавий бизнеснинг жадал ривожланишида маълум қийинчилик туғдираётган ёки тўсқинлик қилаётган муаммоларни ҳам кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Дейлик, аҳолида турли йўналишлардаги оилавий корхоналарни ташкил этиш борасида имкониятлари мавжуд бўлгани ҳолда, уни йўлга қўйиш бўйича тадбиркорлик лаёқати ва ташаббуслар етарли эмас. Дарҳақиқат, агар ён-атрофимизга эътибор қаратсак, ўзининг томорқаси, қўшимча тураржойи, автомобиль ёки бошқа техник воситаларнинг туриб қолиши, энг яхши ҳолатда эса бошқаларга вақтинчалик фойдаланиш (ижара)га бериш билан кифоялanganлиги ҳолатларини кўплаб учратамиз. Худди шунга ўхшаш ҳолат: қанчадан-қанча одамлар қўлида кўп бўлмасада, лекин бирлаштирилса, яхшигина сармояга айланиши мумкин бўлган пул маблағлари ишлатилмаётган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ушбу манбалардан самарали фойдаланиш, уларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш учун эса ғоя, уқув ва кўникма керак.

Бундан кўринадики, эндиликда аҳолига тадбиркорлик руҳини чуқурроқ сингдириш, улар учун йўналиш ва кўрсатма бўлиб хизмат қилувчи "намунавий" ғояларни ишлаб чиқиш, тадбиркорлик малакасини шакллантирувчи тизимлар фаолиятини янада кучайтириш зарур.

Яна бир гап. Маҳаллаларда, кўп қаватли уйлар олдида уюлиб қолган чиқиндилар кўзга хунук кўринади. Қишлоқ жойларда томорқалардаги мева, сабзавотларнинг ўз вақтида истеъмол қилинмаслиги ёки қайта ишлашга жалб этилмаслиги учраб туради. Ҳолбуки, маҳаллаларга ўз ҳудудида кичик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш имкониятлари қонуний белгиланиб, ҳаттоки, муайян имтиёзлар берилган. Ҳар бир маҳаллада маълум даражада турли касб эгалари, мутахассислар истиқомат қилади. Аммо маҳаллаларда мавжуд хом ашё ресурсларини қайта ишлаш имкониятлари тўлиқ ишга солинган ҳолатлар жуда кам.



Худди шунингдек, ободонлаштириш, коммунал ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳалари фаолиятини ташкил этишда оилавий бизнес шаклидан фойдаланиш ҳам эътибор қаратиш лозим бўлган йўналишлардан ҳисобланади.

Умуман олганда, бугунги кунда кўплаб фуқароларимиз томонидан рўйхатга олинмаган ҳолда, вақтинчалик машғулот сифатида амалга оширилаётган маҳсулот ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатишдан иборат ҳар бир иқтисодий фаолият (масалан, уйларни таъмирлаш, енгил автомобилларда йўловчи ташиш, фанлар бўйича махсус ўқитиш ва бошқалар)нинг қонуний асосда оилавий бизнес кўринишида ташкил этилиши ҳам оила иқтисодиётига, ҳам жамият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади.

Мухтасар айтганда, оилавий бизнес, биринчидан, даромадни кўпайтириш орқали оила бюджетини мустаҳкамлаш имконини берса, бошқа томондан, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўли билан жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига сезиларли ҳисса қўшувчи меҳнат туридир.

**Нодир ЖУМАЕВ,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор.**

## Анжуман

*Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.*

# Юксак эътибор ифодаси

"Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шиори остида ташкил этилган анжуманда божхона тизими вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тадбирда таъкидланганидек, истиқлол йилларида божхона тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, салмоқли натижалар қўлга киритилмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2011 йил 10 августда қабул қилинган "Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этаётир. Унга кўра, тизим моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, замонавий техник назорат воситалари билан таъминланаяпти.

Анжуманда соҳа ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам сўз юритилди. Хусусан, Президентимизнинг жорий йил 27 августдаги Фармони асосида тақдирланганлар орасида 5 нафар соҳа ходимлари борлиги ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

— Юртимиз ўзининг 21 йиллик мустақил тараққиёт йўли давомида улкан ютуқларни қўлга киритди, — дейди "Содиқ хизматлари учун" медали соҳиби, Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси "Ғалаба" темир йўл чегара божхона пости бошлиғи ўринбосари Ғанишер Холиқов. — Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида юксак эътиборга сазовор бўлганимдан чексиз қувончдаман. Шу билан бирга, бунданда масъулиятли бўлиб, янада фаол меҳнат қилишим зарурлигини англаб турибман.

Тадбирда тизим фаолиятида ўрнак кўрсатган бир гуруҳ ходимлар мукофотланди.

**З. ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Қутлуғ айём, шоду хуррамлик, шукроналик

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"... Кишилик тарихида, дунё харитасида давлатлар шаклланишида йигирма бир йил жуда қисқа муддатдир. Лекин Ўзбекистонимиз шу давр мобайнида, ҳеч шубҳасиз, юз йилларга тенг бўлган масофани босиб ўтди". Бу — юртимизнинг барча ҳудудларида кенг миқёсда нишонланган истиқлол шодиёналари, одамларнинг кўтаринки кайфияти ва руҳиятида ҳам яққол намоён бўлди.

Хусусан, Андижон аҳли ҳам Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигини катта шоду хуррамлик билан қарши олдилар. Шодиёна арафасида ишга туширилган ўнлаб ижтимоий соҳа объектлари, янги тураржой бинолари, ишлаб чиқариш корхоналари айёмга муносиб тухфа бўлди. Айниқса, Олтинкўл, Хўжаобод туманларининг марказий кўчалари таниб бўлмас даражада гўзал қиёфа касб этди. Балиқчи, Марҳамат туманларида замонавий шифохоналар қуриб битказилди. Андижон, Қўрғонтепа туманларида савдо, сервис ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди. Вилоятда 2 та умумтаълим ҳамда иккита мусиқа ва санъат мактаби янгидан бунёд этилгани, 15 та мактаб реконструкция қилингани ва капитал таъмирлангани ўқувчилар учун қўшалоқ байрамга айланиб кетди.

Байрамнинг асосий тантаналари вилоят марказидаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. Театрлаштирилган саҳна кўринишлари, санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг чиқишлари барчада катта таассурот қодирди.

Наманган марказидаги "Кичкинтойлар боғи" байрам куни ҳар қачонгидан файзли, тароватли ва гавжум гўшага айланди. Оқшомда янграган карнай-сурнай садолари вилоят аҳлини шу муаззам масканга чорлади. Айёмнинг асосий тантаналарида истиқлол берган имкониятлар натижасида юртимизда, шу жумладан, Наманганда юз берган оламшумул ўзгаришлар, халқимизнинг азму шижоати билан амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари алоҳида эътироф этилди.

Хусусан, байрам арафасида 80 га яқин янги маданий-маиший ва ижтимоий иншоотлар фойдаланишга топширилди. Жумладан, вилоят марказининг Бобуршоҳ кўчасида 16 та кўп қаватли тураржой биноси қурилиши битказилиб, уй тўйлари нишонланди, тадбиркорлар томонидан барпо этилган муҳташам "Шодиёна" тантана ва маросимлар мажмуаси аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Норин туманида янги ташкил этилган "Norin mechanical plant" корхонасида эса "Nexia", "Matiz", "Spark" ва "Damas" автомобиллари учун бутловчи қисмлар тайёрлашга киришилди.

Водий гавҳари — Фарғона кейинги йилларда буткул янгича қиёфага эга бўлмоқда. Чекка қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам аҳолининг фаровон ҳаёт кечириши учун барча қулайлик яратилаётир. Айниқса, Юртбошимиз ташаббуси билан вилоят маркази тубдан реконструкция қилиниб, Фарғона обод ва замонавий шаҳарга айлантирилаётгани аҳамиятга молик.

Байрам арафасида ана шундай бунёдкорлик ишлари кўлами янада ошиб, шаҳардаги кичик ҳалқа йўли туташтирилди. Юзлаб оилаларга янги уй-жойлар калити топширилди. Шундан 27 таси намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган тураржойлар эканлиги эътиборга сазовордир. Қўқон шаҳридаги "Гўдаклар уйи" бутунлай янгидан бунёд этилган ва реконструкция қилинган бинода фаолиятини давом эттирадиган бўлди. Бу мақсадлар учун 1,9 миллиард сўм сарфланди.

Умуман олганда, Фарғонада бу йилги байрам тантаналари бунёдкорлик, яратувчанлик тадбирлари билан уйғунлашиб кетди. Хусусан, айём кунлари "Pak Bonyan Servis", "Фарғона қуёши", "Зиёрат палас" сингари ўнлаб қўшма корхоналарнинг фаолият бошлаши бунинг яққол тасдиғидир.

"Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" Ана шу эзгу ва улуғвор шиор Қорақалпоғистон Республикасида яшовчи юртдошларимизни ҳам хайрли ташаббуслар сари ундади. Натижада Оролбўйи минтақаси аҳли ҳам айёмни муносиб ютуқлар билан қарши олди. Хусусан, Шуманай туманидаги "Бегжап" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Қурилиш сервис Шуманай" масъулияти чекланган жамияти қошида янги корхона, Элликқалъа туманида эса "Гулдурсин нафосати" тикувчилик фабрикаси ишга туширилди. Бир қатор тураржой бинолари фойдаланишга топширилди.

Нукус шаҳрининг Марказий майдонида бўлиб ўтган театрлаштирилган байрам томошаларида ана шундай муваффақиятларга алоҳида урғу берилди. Фольклор ансамбллари ҳамда миллий-маданий марказлар қошида фаолият кўрсатаётган ҳаваскорлик дасталарининг чиқишлари байрам томошасига ўзгача шукуҳ бағишлади.

Хоразмда ҳам байрам арафасида 50 дан ортиқ янги ишлаб чиқариш объекти, тураржой бинолари, қишлоқ врачлик пункти, муҳташам коллеж ва мактаблар, спорт заллари, гузарлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилди. Кўплаб тиббиёт муассасалари капитал таъмирланиб, янги қиёфа касб этди. Байрам кунлари Шовот туманида калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Ўзтех Шовот" қўшма корхонасининг ишга туширилгани вилоят аҳлининг қувончига қувонч қўшди. Йилига 5 минг тонна пахта хом ашёсини қайта ишлаш қувватига эга ушбу корхона шарофати билан маҳаллий ёшлардан 220 нафари иш билан таъминланди. Шунингдек, қишлоқларда ҳам ўнлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иш бошлади.

Қашқадарё вилояти марказидаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида жойлашган амфитеатр шодиёнага муносиб тарзда ранг-баранг байроқлар, қўлга киритилган ютуқларимизни ифодаловчи панно ва шиорлар билан безатилди. Ён-атрофдаги минглаб чироқлар саҳнага кўрк бериш билан бирга, дилларни ҳам нурафшон этди.

Саҳна узра Ўзбекистон мадҳияси янградИ. Ранг-баранг шарлар ҳавога кўтарилди. Тадбирда жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган улуғ аждодларимизнинг буюк мероси рамзий чиқишлар орқали ифодаланди. Ўтган йигирма бир йиллик мустақил тараққиёт даврида эришилган натижалар, ислоҳотлар самараси, халқимизнинг тинч, осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик фазилатлари, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун ҳолда қиёсий лавҳаларда акс эттирилди.

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги шодиёналари Самарқанд вилояти ёшларининг ёдида, айниқса, узоқ сақланиб қоладиган бўлди. Боиси, байрам арафасида ҳудудда 2 та касб-ҳунар коллежи филиали, 5 та ётоқхона, 6 та мусиқа ва санъат мактаби, 7 та спорт зал, 4 та спорт мажмуаси, битта ҳарбий чақирув пункти ҳамда 37 та коммуникация иншооти фойдаланишга топширилди.

Самарқанд шаҳридаги "Мўъжиза" амфитеатрида бўлиб ўтган истиқлолнинг асосий шодиёналарида ана шундай ютуқлар сарҳисоб этилиши баробарида, дилтортар куй-қўшиқлар орқали кўнгилларга хушнудлик улашилди.

Шунингдек, истиқлолимизнинг қутлуғ 21 йиллиги байрами Бухоро, Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё, Тошкент ва Навоий вилоятларида ҳам кўтаринки руҳда нишонланди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Садоқат ва фидойилик намунаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбирда сўз олганлар Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтириш, аҳолининг тинч ҳаёт кечиришини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ва унинг самараларини яна бир карра эътироф этдилар.

— Ҳарбий қасамёдни айнан Юртбошимиз ташаббуси билан бунёд этилган "Ватанга қасамёд" ҳайкали пойида қабул қилганим мен учун ҳам шараф, ҳам масъулиятдир, — дейди курсант Муҳаммад Эргашев. — Бу ҳаётимдаги энг унутилмас кунлардан бири бўлиб қолади. Мақсадим, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш.

Курсантларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилишига бағишланган бундай тантанали тадбирлар, шунингдек, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртларида ҳам бўлиб ўтди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтида ҳам жорий йилда ўқишга қабул қилинган тингловчиларнинг ҳарбий ва божхоначи қасамёдини қабул қилиш маросими ўтказилди.

Марказий Осиёда ягона бўлган мазкур институт 2003 йилда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган. Бу ердаги 11 кафедра, ихтисослаштирилган ўқув хоналари, кимё ва криминалистика лабораториялари, амалий машғулот майдончалари, шунингдек, иккита замонавий тураржой, кутубхона, спорт мажмуасида тингловчилар учун барча шароит яратилган. Ўқув жараёни давлат таълим стандартлари асосида тасдиқланган режага мувофиқ олиб борилади. Бунда тингловчилар иқтисодий, ҳуқуқий, гуманитар ва фундаментал фанлар бўйича билимларини мустаҳкамлайдилар. Институтда олинган назарий билимларни бевосита божхона амалиёти билан узвий боғлаш, бўлажак божхоначиларда танлаган мутахассисликлари бўйича дастлабки кўникмаларни ҳосил қилиш мақсадида уларнинг Давлат божхона қўмитаси, ҳудудий бошқарма бўлимлари, божхона комплекслари ва постларида амалиёт ўташлари йўлга қўйилган.

Тадбирда биринчи босқич тингловчилари халқимизга, Президентимизга содиқ бўлишга қасамёд қабул қилдилар.

**Ш. ОРТИҚОВ.**




# ЯНГИ МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ МАРКАЗ

*Тошкент шаҳридаги Бешёғоч кўчасида «City Makon» маданий-маърифий кўнгилочар маркази очилди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда ижодий ва жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.*

2012 йил — Мустаҳкам оила йили



Тадбирда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси васийлик кенгаши раиси Г. Каримова мамлакатимизда ёшларнинг пухта билим олиши, маънавияти ва дунёқарашини бойитиши, бўш вақтини мазмунли ўтказишига қаратилган ишлар ўз самараларини бераётганини таъкидлади. Мазкур марказ ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Ўқув-маърифий марказ, спорт майдончаси, замонавий 3D форматдаги кинозал, савдо ва овқатланиш шохобчалари, болалар майдончасидан иборат ушбу масканда ўғил-қизлар ўз бўш вақтини унумли ўтказиши учун барча шароит яратилган. Жумладан, ўқув-маърифий марказида турли бадиий, фото кўргазмалар, анжуманлар, маҳорат сабоқлари, очиқ дарслар ўтказилади, бадиий ижодиёт тўгараклари олиб борилади. Замонавий виртуал технологиялар ёрдамида ўқувчилар ўлкашунослик, география, маданият ва санъатга оид билимларини янада мустаҳкамлаши мумкин.

— Болаларнинг ўқишга қизиқишининг ортишида мактабдан ташқари таълим муассасаларининг аҳамияти беқиёс, — дейди «Yangi avlod forumi» болалар ижодиёти маркази директори Мақсуда Раҳматуллаева. — Ушбу марказда яратилган шароит ўқувчи-ёшларнинг истеъдодини намойиш этиш, билимини янада мустаҳкамлаш ва бойитишда муҳим аҳамият касб этади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**
**Ёлқин ШАМСИДДИНОВ**
**олган суратлар.**

● Реклама ва эълонлар ●

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ АХБОРОТ-ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИ

**даврий босма нашрларига 2013 йил учун обуна бўйича танлов ўтказади.**

**Таклифларни тайёрлаш учун даврий нашрлар рўйхатини қуйидаги манзилдан олиш мумкин:**

**Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси, 29-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 232-69-58, 239-15-61.**

*Таклифлар 2012 йил 14 сентябрь соат 15.00 гача қабул қилинади.*

1490R/1069

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

**қуйидаги профессор-ўқитувчилар лавозимларига танлов эълон қилади:**

- **Молия кафедраси:** кафедра мудири, профессор.
- **Банк иши кафедраси:** кафедра мудири, профессор.
- **Чет тиллари кафедраси:** кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи.

Барча профессор-ўқитувчи лавозимларига (кафедра мудири, профессор, доцент ва катта ўқитувчи) номзодларни танлашда дунёнинг етакчи хорижий университетлари ва илмий марказларида таҳсил олган (малака оширган) ҳамда илғор хорижий таълим стандартлари ва технологияларини пухта эгаллаган, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инглиз тилидан педагогик ҳамда илмий тадқиқот фаолиятида эркин, амалий фойдаланиш имкониятига эга бўлган, ўз мутахассислиги фанининг замонавий илмий-назарий, методологик ва амалий муаммолари, ривожланиш тенденцияларини чуқур ўзлаштирган шахсларга алоҳида эътибор қаратилади.

Кафедра мудири лавозими танловида тегишли ихтисослик бўйича фан доктори ёки номзоди илмий даражали, профессор ёки доцент илмий унвонига эга шахслар иштирок этишлари мумкин.

Профессор лавозими танловида тегишли ихтисослик бўйича фан доктори ёки фан номзоди илмий даражали, профессор ёки доцент илмий унвони ҳамда камида беш йиллик илмий-педагогик стажига эга, кафедра фанлари бўйича таълим тизимида танилган нуфузли дарслик, ўқув қўлланмалари ва ўқув-услубий мажмуалар муаллифи бўлган олий маълумотли шахслар қатнашиши мумкин.

Доцент лавозими танловида тегишли ихтисослик бўйича илмий даражали, илмий унвонли, камида уч йил илмий-педагогик стажли, кафедра фанлари бўйича ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий мажмуалар ва ўқув дастурлар муаллифи бўлган олий маълумотли шахслар қатнашиши мумкин.

Катта ўқитувчи лавозими танловида олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис), шунингдек, илмий даража ва илмий унвонга эга бўлган ҳамда бундай даража ва унвонга эга бўлмаган, камида икки йил илмий-педагогик стажига эга шахслар қатнашиши мумкин.

**Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:**

- *ректор номига ариза;*
- *кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;*
- *дипломлар ва аттестатлар нусхалари;*
- *илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати;*
- *малака оширганлик тўғрисидаги ҳужжатлар нусхалари.*

***Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.***

**Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳ. Орипов кўчаси, 16-уй.**
**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 237-54-53, 237-53-61, 237-54-09.**

1482R/

# ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

***Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирок этди.***

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Г. Маърупова, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф. Абдураҳимова, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди бошқаруви раиси М. Ширинова, Ўзбекистон халқ артисти М. Раззоқова ва бошқалар мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимоялаш масалаларига доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада дастуриламал бўлаётир.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган жисмонан соғлом ва маънавий етук авлодни тарбиялаш, азалий миллий қадриятларни асраб-авайлаш, жамиятимизда юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириш, миллий менталитетимизга ёт турли зарарли таъсирларга қарши туриш борасидаги вазифалар хотин-қизлар қўмиталари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 210 га яқин ҳудудий бўлинмаси, 42 мингдан ортиқ бошланғич ташкилоти аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, билим ва савиясини юксалтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли қизларни аниқлаш борасида фаолият юритмоқда. Қўмита томонидан ўтказилаётган турли ижтимоий акциялар, спорт фестиваллари, кўрик-танловлар хотин-қизларнинг оила, жамият, Ватан олдидаги масъулиятини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

## Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
## ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

***2012 йилда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, тиббиёт ва спорт жиҳозлари, тикув ва чилангарлик устахона жиҳозлари, замонавий компьютер техникалари, йўл ҳаракати қоидаси хонаси жиҳозлари ҳамда мебель жиҳозларини харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказилиши муддатини узайтириш тўғрисида эълон қилади.***

*Тендер ҳужжатлари пакетини сотиб олиш истагида бўлган талабгорлар ишчи органнинг қуйидаги махсус ҳисоб рақамига 600 000 (олти юз минг) сўм миқдорида қайтариб берилмайдиган тўловни амалга оширишлари шарт:*

**Лот № 8. Тиббиёт жиҳозлари.**

*Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг банк реквизитлари: Молия вазирлиги ғазначилиги ҳ/р: 23402000300100001010, ш/ҳ/в: 49991086026280795010002800, ХККМ Марказий банк бош бошқармаси, МФО: 00014, ОКОНХ: 92120, СТИР ғазначилик: 201122919, СТИР ЎМКҲТ маркази: 202515618.*

*Ўзбекистон Республикаси, 100095, Тошкент шаҳри, 2-Чимбой кўчаси, 96-уй, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази.*

*Телефонлар: (8-371) 246-12-40, 246-12-74.*
*Факс: (8-371) 246-12-40, 246-12-74.*
*E-mail: sspo_taminot@mail.ru*

Шунингдек, қўшимча маълумотларни ҳамда харид қилинаётган маҳсулотларнинг энг юқори нархлари ҳақидаги қўшимча маълумотларни эълон чоп этилган кундан бошлаб Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази www.markaz.uz электрон сайтидан олиш мумкин.

Тендер таклифлари тендер комиссиясининг ишчи органига (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) юқорида кўрсатилган манзил бўйича 2012 йил 20 сентябрь соат 18.00 дан кечикмасдан тақдим этилиши лозим.

Тендер таклифлари солинган конвертларнинг очилиши тендер комиссияси томонидан амалга оширилади.

1478A/1061

# Шу азиз Ватан – барчамизники!

*Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Республика "Байналмилал" маданият маркази томонидан мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишланган "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.*

Шукуҳ

Унда тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, юртимизда фаолият юритаётган миллий маданият марказлари аъзолари иштирок этди.

Бугунги кунда диёримизда бир юз ўттизга яқин миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ истиқомат қилмоқда. Мамлакатимизда уларнинг ўз миллий анъана ва қадриятлари, урф-одатларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиб берилган. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бир юз элликдан ортиқ миллий маданият марказларининг фаолият олиб бораётгани бунинг ёрқин далилидир.

Тадбирда сўзга чиққан Республика "Байналмилал" маданият маркази раҳбари Н. Муҳаммадиев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида юртимизни демократлаштириш ва модернизация қилишда бағрикенглик, миллатлараро тотувликни асраб-авайлаш тамойилларига қатъий амал қилинаётганини алоҳида таъкидлашди. Ватанимизнинг куч-қудрати, иқтисодий салоҳияти, ҳаётимизнинг фаровонлиги, барча соҳалардаги улкан ютуқлар шу заминда яшаётган, миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар, барча инсонларнинг азму шижоати, ўз келажагига бўлган мустаҳкам ишончи, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни сақлаш йўлидаги фидокорона меҳнати самарасидир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

**Ф. ОМОНОВ.**

## «SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ

***савдолар залида 2012 йил 21 сентябрь ва 8 октябрь кунлари соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги объект такроран сотувга қўйилганлигини маълум қилади.***

**Суд департаментининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар, Олмазор (собиқ С. Раҳимов) тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги мулк такроран савдога қўйилмоқда:**

«Ал-Азизбек АГТҚШ» МЧЖга тегишли, Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Оҳалик қишлоғида жойлашган болалар соғломлаштириш оромгоҳи. Умумий ер майдони — 29817,12 кв.м., қурилиш ости майдони — 3268,95 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 307 364 544 сўм.***

***Талабгорлар диққатига!*** Ушбу мол-мулк 2012 йил 21 сентябрь кунидаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 8 октябрь куни бўлиб ўтади.

Ушбу мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖнинг СҚБ Самарқанд шаҳар Амир Темур бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904882192001, МФО: 00994, СТИР: 301795054.

**Манзилимиз: Самарқанд ш., Абу Райҳон Беруний к., 196-уй. Мўлжал — Чой қадоқлаш фабрикаси қаршисида. Телефонлар: (8-366) 229-03-12, 229-65-88.**

*Лицензия: 0038.*

1489R/477

*Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!*

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ

**қуйидаги объектни реконструкция қилиш бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади.**

**Сурхондарё вилояти, Сариосиё туманидаги «Сариосиё» божхона комплекси бино ва иншоотларини капитал реконструкция қилиш.**

**Объектнинг бошланғич нархи қўшимча қиймат солиғи билан бирга — 7 779,733 млн. сўм, қўшимча қиймат солиғисиз — 6 483,110 млн. сўм, қурилиш муддати — 11 ой.**

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат божхона қўмитасининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Сурхондарё вилояти бошқармаси.

Манзил: Термиз шаҳри, А. Икромов кўчаси, 286-уй.

Телефон: (8-376) 225-13-51. Факс: (8-376) 225-26-05.

Танлов савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ҳамда ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда, мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Давархитектқурилиш» қўмитасининг Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

**Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй.**
**Тел./факс: (8-376) 222-44-73.**
**Факс: (8-376) 222-44-76.**

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 150 000 сўм.***

Ушбу объект қурилиши бўйича танлов савдолари ўтказилиши юзасидан мазкур эълон «Қишлоқ ҳаёти» газетасида 2012 йил 28 август куни чоп этилганлиги сабабли таклифлар (оферталар) очилиши жорий йилнинг 28 сентябрь куни қуйидаги манзилда ўтказилади:

**Термиз шаҳри, А. Икромов кўчаси, 286-уй.**

1488R/1063

*ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ РЕСПУБЛИКА ТИББИЙ-ИЖТИМОИЙ ЭКСПЕРТИЗА ИНСПЕКЦИЯСИ

**ТЕНДЕР САВДОЛАРИ НАТИЖАЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Тендер савдолари предмети**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тиббий-меҳнат экспертиза хизмати тиббий-меҳнат эксперт комиссияларини мебель анжомлари билан жиҳозлаш мақсадида етказиб берувчиларни танлаб олиш бўйича тендер ғолиби деб Андижон карлар ўқув ишлаб-чиқариш корхонаси аниқланганлигини маълум қилади.

***Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси (ишчи орган).***

***Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100017, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, вазирлик ва идоралар маъмурий биноси.***
***Телефонлар: (8-371) 239-88-21, 239-88-19.***
***Факс: (8-371) 239-88-21, 239-88-22.***
***E-mail: SUmarov@mf.uz***

1223A/907

## РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР

**ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАСИДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

**"КЧМ" ЧЎЯНДАН ТАЙЁРЛАНГАН ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ**

**ШУНИНГДЕК:**

Маҳсулот сертификатланган Тўлов шакли турлича

**КАФЕЛЬ**
(девор ва пол учун)

**САНТЕХНИКА**
(катта ҳажмда унитаз ва қўлювгичлар)

**ЧЎЯН, ПОЛИМЕРМАРМАР ВАННАЛАР (ТУРЛИ ЎЛЧАМДА)**

**Тел.: (+99893) 546-87-45, тел./факс: 267-35-73.**

Савдо шохобчаси - Уста Ширин к.125, қурилиш бозори ичида №127

zakamsk-group@mail.ru

1260R/961

# Истиқлолнинг бахтиёр фарзандлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кеча барча ўқув масканларида “Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!” ғояси асосида ўтказилган “Мустақиллик дарси”да ҳам шу хусусда сўз борди. Уларда ўқувчилар она-Ватан қадри, азиз неъмат — Истиқлолнинг асл мазмун-моҳияти, миллий қадриятлар, бебаҳо маънавий меросимиз ҳамда бугун халқимиз эришаётган оламшумул ютуқларга бағишланган маърифий сабоқдан баҳраманд бўлдилар. Шу куни мактабга эндигина қадам қўйган 1-синф ўқувчиларига Президент совғаси — ўн уч номдаги ўқув қуроллари ва дарсликлардан иборат тўплам ҳам ҳадя қилинди.



Анъанага кўра, янги ўқув йилида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги барча умумтаълим мактабларининг биринчи синфига борган 500 минг нафардан зиёд фарзандларга худди шундай совғалар топширилди. Илк бор мактаб таълимидан сабоқ ола бошлаётган болажонлар Президентимизнинг оталарча ғамхўрлигини ҳис этиб, беҳад қувондилар. Зотан, бугун уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай униб-ўсиши, улғайиши учун барча имкониятлар яратилаётир. Ёшларимиз янгича, замон талабига хос, жаҳон андозаларига мос таълим стандартлари асосида бунёд этилган кўркам ва муҳташам ўқув масканларида билим олишмоқда.

Пойтахтимиздаги 173-мактаб ҳам ана шундай таълим даргоҳларидан бири ҳисобланади. Айни пайтда мазкур мактабда 631 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олаётир. Жорий ўқув йилида биринчи синфга 68 нафар ўқувчи қабул қилинди. Эътиборлиси, улар кейинги йилдан бошлаб ака-опалари сингари бошқа умумтаълим фанларидан билим олиш билан бир қаторда, ўз қизиқишларига қараб, биология ва инглиз тилига ихтисослаштирилган махсус синфларда ўқишади.

— Ўқувчиларимиз орасида иқтидорли, интилувчан ёшлар кўпчиликни ташкил этади, — дейди ўқув масканининг биология фани ўқитувчиси, “Шуҳрат” медали соҳиби Шавкат Кенжаев. — Уларнинг замонавий билимларни пухта эгаллаши билан бир қаторда, маънавий таълим-тарбия масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бугунги “Мустақиллик дарси”да ёшларимиз “Ўзбекистон — Ватаним маним!”, “Истиқлол иншоотлари”, “Инсон ҳуқуқларининг кафолатлари”, “Мактабимнинг бугуни ва келажаги” каби мавзулардаги илк сабоқларда фаол қатнашдилар. Ўқувчиларимизнинг мамлакатимизда рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлардан хабардор бўлиб улғаяётганликлари, ватанпарварлик, эзгулик ва эртанги кун ҳақидаги тиниқ тасаввурлари биз, ўқитувчиларни яна бир бор қувонтирди.

Тошкент вилоятининг Зангиота туманида жойлашган 1-умумий ўрта таълим мактабида эса биринчи қўнғироқ тадбири ва “Мустақиллик дарси” чинакам байрамга айланиб кетди.

— Мактабимизда 636 нафар ўқувчи билим олади, — дейди таълим маскани директори Дилдора Зокирова. — Доимгидек янги ўқув йилини эзгу ниятлар билан бошладик. Малакали устоз-мураббийлар қўлида илм олаётган бу ёшлардан умидимиз катта. Уларнинг янгича педагогик технологиялар асосида пухта билим эгаллаб, юрт ишончига муносиб фарзанд, юксак маънавиятли шахс бўлиб камол топишлари учун ҳаракат қилмоқдамиз. Биласиз, ёшлар ўзлари учун яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланишни, энг аввало, мактабда ўрганадилар. Шу боис ўқув масканимизда асосий дарслар билан биргаликда илм-фан ва спорт тўгараклари фаолиятини янада жонлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

...Билимлар кунида, жумладан, Навоий вилоятидаги 359 та мактабда ҳам ўн беш минг нафардан зиёд биринчи синф ўқувчиларига Президент совғалари топширилди. Ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд оилалар фарзандларига эса ўқув қуролларидан ташқари, кийим-кечак ва дарсликлар ҳам тарқатилди.

Таълим тизимини ривожлантириш инвестиция дастурига мувофиқ, жорий йилда Навоий вилоятидаги 19 та ўқув масканида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Энг муҳими, янгитдан қурилиб, муҳташам тус олган ва энг сўнгги ўқув жиҳозлари билан таъминланган бу каби ўқув даргоҳлари эртамиз эгаларининг камолига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги берган маълумотларга кўра, бу йил 9 763 умумтаълим, 301 болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларни ўз бағрига олди. Мазкур умумтаълим муассасаларига 11 миллион 243 минг нусхада дарслик ва ўқув адабиётлари чоп этилиб, тарқатилган.

Жорий йилга белгиланган Давлат дастурига биноан, 915 та умумтаълим мактаби замонавий компьютер тўпламлари билан таъминланиши ҳам режалаштирилган.

**Муборак ОХУНОВА,**
**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ**
**олган суратлар.**

---

Ғурур

# Эҳтиром

*Сен отамнинг отаси, сен онамнинг онаси,*
*Боламнинг дийдорида жонимнинг дурдонаси.*
*Пойингга тиз чўкмоқни келди бу кун хонаси,*
*Момомерос диёрим, бобомерос ору шаън,*
*Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан.*

*Тонгда очган кўзимсан, шукр десам сўзимсан,*
*Пешонамнинг терида ҳалол топган тузимсан,*
*Аждодлардан авлодга қолган ёруғ изимсан,*
*Сен Навоий назмида сўздаги сўнмас гулхан,*
*Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан.*

*Озодсанки, элимнинг оромига туморсан,*
*Ободсанки, оламнинг нигоҳига хуморсан,*
*Сен боламнинг боласин боласига даркорсан,*
*Эй, боғлари баҳорни орзиқтирган гул, чаман,*
*Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан.*

*Жонимдирсан, қалбимда қалқиган саодатсан,*
*Бобом Темур туғида балқиган адолатсан.*
*Имом Бухорий деса муслимга ибодатсан,*
*Эй, кўксимнинг кўкида оқ тилак, хушбўй суман,*
*Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан.*

*Меҳрли эл муроди дунёга тинчлик эрур,*
*Адолат устун юртда диллардан кетмас сурур,*
*Шул сабаб ҳар онимда минг шукр, минг бир ғурур,*
*Завол кўрма тоабад, ярашмас гулга тикан,*
*Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан.*

**Маҳмуд ТОИР,**
**Ўзбекистон Республикаси халқ шоири.**

---



# «Бунёдкорлик эпопеяси»

*Тошкент Фотосуратлар уйида Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишлаб таниқли фотограф Абдуғани Жумаевнинг “Бунёдкорлик эпопеяси” кўргазмаси очилди.*

Кўргазма

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, рассомлар, санъатшунослар ҳамда фото ихлосмандлари иштирок этди.

Кўргазмадан ўрин олган суратлар тўрт йўналишда бўлиб, уларда Истиқлол йилларида халқимиз эришаётган ютуқлар, улкан бунёдкорлик ишлари, қайта тикланган ҳамда қадр топаётган маънавий меросимиз намуналари, спорт соҳасида қўлга киритилаётган муваффақиятлар акс эттирилган. Хусусан, суратларда Президентимиз ғояси, таклифи ва лойиҳаси асосида қад ростлаган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуи, “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи ва “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи, пойтахтимиздаги муҳташам ва бетакрор кошоналар — “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи ҳамда “Бунёдкор” футбол мажмуасининг қурилиш тарихи, унда фидокорона меҳнат қилган қурувчи, монтажчи ва мутахассислар ҳақида ҳикоя қилинади.

— Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқимиз фаровонлиги, юртимиз ободлигига хизмат қилмоқда, — дейди фотограф А. Жумаев. — Бу ўзгаришларни суратларга муҳрлаш, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини тасвирларда акс эттириш ҳар бир ижодкорга чексиз илҳом бағишлаши, шубҳасиз.

**Саодат УСМОНОВА.**

---

Изланиш

*Зангиота туманидаги қурилиш ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи ўқувчилари янги ўқув йилида касбий таълимга оид дарсларни бевосита амалиёт билан уйғунликда олиб бориш имконига эга бўлдилар.*

# Ҳам назария, ҳам амалиёт

Гап шундаки, яқинда мазкур таълим муассасасига Германия тараққиёт банкининг 225 минг евролик имтиёзли кредити ҳисобидан коммунал хўжаликда кенг фойдаланиладиган махсус жиҳозлар келтирилди. Улар ёрдамида ўқувчилар қурилиш коммуникацияси, хусусан, сув, газ, канализация тармоқларини монтаж ва реконструкция қилиш бўйича амалий кўникмаларини мустаҳкамлайдилар.

Шуниси эътиборлики, охирги бир йил ичида вилоятдаги 32 та худди шундай таълим муассасаси ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш тизимига оид замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# Мактаб учун кўркам бино

*Учқўрғон туманида замонавий ва миллий меъморчилик анъаналари асосида қайта қурилган муҳташам бино ҳудуддаги 12-болалар мусиқа ва санъат мактаби жамоаси учун ажойиб совға бўлди.*

Туҳфа

Қурувчилар бу ерда 1,4 миллиард сўмликдан зиёд реконструкция ишларини амалга оширгач, ўқув даргоҳи бино ва иншоотлари бутунлай замонавий қиёфа касб этди. Қайта қуриш жараёнида қўшимча равишда рақс ва хореография йўналиши учун катта зал, янги очилган халқ амалий санъати ва тасвирий санъат йўналишлари учун махсус хоналар бунёд қилинди. Хоналарни жиҳозлаш учун 400 миллион сўмликдан зиёд замонавий ускуна ва жиҳозлар сотиб олинди. Улар орасида сўнгги нусхадаги фортепьянодан тортиб, дутор, танбур сингари миллий чолғу асбобларигача бор. Мухтасар айтганда, янги ўқув йилини 150 нафар иқтидорли ўғил-қиз машғулотларни тўла-тўкис шароит яратилган кенг ва ёруғ хоналарда бошладилар.

Айтиш жоизки, вилоятда махсус дастур асосида болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун 4 та янги бино қурилиб, 6 та ўқув даргоҳи реконструкциядан чиқарилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---


● Реклама ва эълонлар ●

Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?

Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?

Унда шошилиб таваккал қилманг.

Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совуришингиз мумкин.

“KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI” MChJ

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимиз юқори малакали мутахассисларининг **(+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85** телефонларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкингиз оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққосланган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

Лицензия: RR-0001.

Унутманг!

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.

Мурожаат қилинг ва барака топинг!

563R/1441



Moody’s

«Moody’s Investors Service Ltd»

2012 йил август ойида

«Moody’s Investors Service Ltd»
халқаро рейтинг агентлиги

«ЎЗБЕКИНВЕСТ»
экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг

халқаро рейтингини тасдиқлади

Рейтинг прогнози:
«БАРҚАРОР»

Суғурталовчининг молиявий барқарорлиги халқаро рейтинги (B1)

1491R/1068


## ОБ-ҲАВО (4 сентябрь)

| Ҳудуд | Тунда | Кундузи |
| --- | --- | --- |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +10 +15 | +25 +30 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +13 +18 | +28 +33 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +13 +18 | +28 +33 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +14 +19 | +29 +34 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +13 +18 | +27 +32 |
| Тошкент шаҳрида | +14 +16 | +28 +30 |




Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 66 079 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 22.25 1 2 3 4 5